



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ТРАНСПЛАНТОЛОГИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 сентябрь куни хирургия хизматини трансформация қилишга оид тақдимот билан танишди.

Юртимизда йилига ўртача 750 мингта жаррохлик амалиёти бажарилади. Жаҳон тиббиёти ютуқлари ўрганилиб, зарур шароитлар яратилаётгани натижасида республика марказларида қилинадиган операциялар тури 350 тага, вилоят марказларида 130 тага, туман шифохоналарида 60 тага етди. 32 та шифохонада замонавий эндоваскуляр хирургия бўлимлари ташкил этилган.

Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бу йўналишдаги асосий муассасадир. Худудларда унинг 14 та филиали фаолият юритмоқда.

Тақдимотда ушбу марказнинг тиббий-илмий салоҳияти, худудларда ўтказилган кўриklar натижалари ҳақида маълумот берилди.

Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари

негизда 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилиши белгиланган эди. Шу мақсадда жорий йил 26 июлда давлатимиз раҳбарининг "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда ушбу марказлар босқичма-босқич ташкил этилмоқда. Уларнинг ҳар бири 50 ўринга эга бўлади. Замонавий жиҳозланадиган бу марказлар юқори технологик жаррохлик амалиётларини туманларнинг ўзида бажариш имконини беради.

Тақдимотда шу борада амалга оширилаётган ишлар Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги шифохона мисолида кўриб чиқилди. У Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Президентимиз қарорига мувофиқ, марказ яқинда 1 миллион долларлик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозирги пайтда телемедицина мулоқотлари

ташкил этилиб, шифокорлар малакаси оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари туманлараро марказларда қилинадиган жаррохлик амалиётлари турини 79 тага, вилоят даражасида 168 тагача етказиш мумкинлигини таъкидлаб, бунинг учун зарур шароит яратиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Бугун энг керакли йўналишлардан бири — органлар трансплантацияси. Кейинги йилларда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, ҳуқуқий-ташкिलий асослар яратилмоқда. Хусусан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида кардиожаррохлик, трансплантология ва нейро-қон-томир жаррохлиги бўлимлари учун янги бино қурилмоқда.

Юртимизда 500 нафар бемор жигар, 1 минг 500 нафар киши буйрак трансплантацияси амалиётига муҳтожлигини билдирмоқда. Жаррохлик бўлимларининг жиҳозланиши талаб даражасида эмаслиги, малакали

мутахассислар етишмаслиги, иммуногенетик текширувлар лабораторияси йўқлиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, Республика хирургия илмий-амалий тиббиёт марказини трансплантологияга йўналиштириб, иммуногенетик лаборатория ва симуляцион марказ ташкил этиш, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида буйрак трансплантациясини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари илғор технологиялар асосида ташхислаш, операция қилиш ва даволаш бўйича мутахассислар тайёрлаш, чет эллардаги етакчи тиббиёт муассасаларига малака оширишга юбориш зарурлигини таъкидлади.

Молия вазирлигига бу мақсадлар учун зарур маблағ ажратиш, трансплантолог жаррохларга иш ҳақини таъкидлаш тарзда тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

ЎЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ — АМАЛДА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕНДЕР СИЁСАТИ
ЁРУҒ ИСТИҚБОЛ САРИ ТАШЛАНГАН ДАДИЛ ҚАДАМ

Глобаллашув даврида мамлакатларнинг тараққиёт даражасига баҳо беришда гендер тенгликни таъминлаш борасида эришилаётган натижаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, гендер тенглик ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бўлиб, жамиятнинг барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган мезондир. Шу боис, тараққиётнинг юксак чўққиларини кўзлаб илгариллаётган ҳар бир давлат сиёсатида бу масала ҳамиша устувор ўрин эгаллайди.

► Давоми 3-бетда

МДҲ ЎЙИНЛАРИ: ҒАЛАБАЛАРНИНГ
ЁҒДУСИЮ ТАРОВАТИ БОР

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида 13 сентябрь куни Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган I-МДҲ ўйинларида муносиб иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси тантанали кутиб олинди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, жисмоний тарбия ва спорт тизими ходимлари, маданият ва санъат намояндалари, спортчиларнинг ота-оналари қатнашди.

► Давоми 5-бетда

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР
ОРТГА ҚАЙТМАС ТУС ОЛГАН

Буюк Британиянинг "Financial Times" етакчи бизнес газетаси 30 йил ичида биринчи марта мамлакатимизга бағишланган махсус ҳисоботни тақдим этди

FINANCIAL TIMES

Special Report
Modern Uzbekistan

Uzbekistan seeks to shed state assets

Government wants to speed up privatisation, but inefficiency and poor management are in the way



Uzbekistan hires foreign advisers to push through reform programme

Wide-ranging and ambitious road map calls for dozens of new projects to spur growth

"Замонавий Ўзбекистон" деб номланган ушбу ҳисобот жами 11 мақоладан иборат. Бу мақолалар мамлакатимиздаги либераллаштириш ва иқтисодий ўсиш, сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит, хусусийлаштириш жараёнлари ва озиқ-овқат соҳасидаги юксалишлар, республикаимизнинг халқаро капитал бозорига муваффақиятли кириши каби жиҳатларга бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Ҳисоботда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик учун очик мамлакатга айлантиригани айтилган. Республикаимиз сиёсат ва бизнесда қандай қилиб муваффақиятли ислохотлар ўтказиш бўйича қўшни давлатларга намуна бўла олгани алоҳида эътироф этилган.

Хусусан, "Financial Times" кейинги беш йилда Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги давр бошлангани, мамлакатнинг халқаро имижига юксалиб бораётганини ёзади.

Таъкидланганидек, кейинги йиллар мамлакатимиз учун ўзгаришлар даврига айланди. Бунга барча соҳада муваффақиятли амалга оширилаётган илмий ислохотлар, уларнинг самараси ҳаётий мисол бўлади.

Ҳисоботда жараёни ишончли баҳолаш учун қатор етакчи хорижий экспертлар, шунингдек, мамлакатимиз

давлат тузилмалари вакиллари ҳамда тадбиркорлар жалб этилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва муносабатларига кенг ўрин берилган.

Ўзбекистонда йиллар давомида тадбиркорлар ва хорижий инвесторларни қийнаб келган муаммолар тизимли равишда ҳал этилгани катта тарихий воқеалик сифатида баҳоланган. Жумладан, валюта бозорини эркинлаштириш, солиқ тизими билан боғлиқ ислохотларни бугун нафақат тадбиркорлар, балки экспертлар ҳам самарали деб ҳисобламоқда. Газетанинг асосий қисмини эгаллаган мақолада ана шу каби ўзгаришлар кенг ёритилган.

"Financial Times" газетасида эълон қилинган ҳисоботнинг якуний қисми Ўзбекистон келажагига бағишланган. Бунда экспертлар эришилган ютуқлар бардавом бўлиши, ўзгаришлар ортга қайтмас тус олганини алоҳида таъкидлаган.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистон ўз танлаган йўли, қатъий позициясига эга. Бугунги илмий ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришларнинг барчаси битта мақсадга — порлоқ истиқболга қаратилган.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири
Лутфулла СУВОНОВ
тайёрлади

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТУЗИЛГАН
УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ
ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Фуқароларимизнинг қаерда яшаб турганидан қатъий назар, давлат ҳимоясида бўлиши, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу жиҳатлар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Ушбу муҳим сиёсий тадбирда хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳам фаол иштирок этиши ва ўз фуқаролик позициясини билдириши учун зарур шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузури-

да тузилган сайлов участкаларида овоз бериш сайлов куни ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилиши Сайлов кодексига аниқ белгилаб қўйилган.

► Давоми 2-бетда

Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди. ... Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўйича яқин ҳамкорликда ҳаракат қилишни бошлади.

Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РУҲИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

халқларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш,
дўстона алоқалар барқарор ривожланишига хизмат қилади



Ғулом МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети доценти,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (РФД)

Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқлари ҳамкорлиги, қардошлиги ва дўстлигининг тарихий илдизлари қадимийдир. Ушбу халқларнинг яшаш шароити, урф-одатлари, турмуш тарзи бир-бирига нисбатан яқинлиги, тарихий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигининг қадим-қадимдан мерос бўлиб келиши, янги Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни ахил-иноқ, дўстона руҳда, ўзаро манфаатли тарзда ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратиб, ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.

Таъкидлаш жоизки, қисқа фурсатда янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида туб бурилиш ясалди. Аввало, минтақамиздаги давлатлар билан яқин дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди. Чегаралар очилди, одамлар қавм-қариндошлари билан алоқаларини тиклаб, эмин-эркин бориб кела бошлади.

Ўзбекистон Президенти Туркменистон раҳбари тақлифига биноан 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан Ашхободда бўлди. Президентимизнинг мазкур ташрифи Ўзбекистон ташқи сиёсатида яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганини яққол тасдиқлаб, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида стратегик шериклиги тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Шунингдек, Хоразм билан Тошхув, Бухоро билан Лебав вилоятлари ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзолангани давлатлараро ҳуқуқий асослар ривожига янги давр бошланганидан dalolat беради.

2018 йил 23 апрель кунин Президентимиз тақлифига биноан Туркменистон раҳбари давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигининг истиқболларини муҳокама қилди ҳамда қўшма баёнот имзоланди. Ташриф якунига кўра, икки томонлама ҳамкорликни сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт коммуникацияси, таълим ва спорт соҳаларида янада мустаҳкамлашга, ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга доир 17 та ҳужжат имзоланди. Шунингдек, олий ўқув юртлиари ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларида оид 15 та ҳужжат кучга кирди.



2017 ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёга оид долзарб масалалар бўйича минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бунинг учун Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам йўлга қўйиш тақлифини илгари сурди. Ушбу ташаббусга биноан биринчи маслаҳат учрашуви Қозғистонда, иккинчи маслаҳат учрашуви 2019 йил ноябрда Тошкентда, учинчиси 2021 йил августда Ашхободда бўлиб ўтгани янги Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигининг ривожланиш тенденциясидан dalolat беради.

Қозғистонда Ўзбекистон йилининг ва Ўзбекистонда Қозғистон йилининг ўтказилиши, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон маданияти кунлари ва қўшма дўстлик концертлари, фестиваллари, кўргазмалари, шунингдек, инсонлар маънавий оламнинг бирлашувини белгилаб берувчи тадбирлар бунинг ёрқин мисолидир.

тасдиғидир. Дарҳақиқат, жамиятда миллатлараро тотувлик ва баргиреклик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Президентимиз томонидан 30 июль санасини Ўзбекистонда Халқлар дўстлиги кунин деб белгилаш тақлиф этилиши ва 2021 йил илк бора кенг кўламада нишонланиши кўп миллилатли халққа бўлган буюк эҳтиромдир!

Мухтасар айтганда, минтақада иқтисодий ва маданий алмашинувлар кўламини кенгайтириш, халқларимизнинг борди-келдисини кўпайтириш, савдо ва туризм алоқаларини ривожлантириш мақсадида давлат чегарасини кесиб ўтишда қўлай шароитлар яратиш янги Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан кенг қамровли ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндашув эса юртимиз атрофида “фаровонлик камари”ни шакллантириш орқали минтақада барқарорлиқни янада мустаҳкамлаш, халқларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда мамлакатлар ҳамкорлигининг истиқболи барқарор суръатларда ривожланишига хизмат қилади.

манитар алмашинувларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилади.

Томонлар шу кунларда долзарб бўлиб турган халқаро ва минтақавий масалалар, жумладан, Афғонистонда юзага келган вазият юзасидан ҳам фикр алмашди.

Сафар доирасида Тошкентдаги “Исонинг муқаддас юраги” черковида ташриф буюриш ҳамда поляк армияси генерали Владислав Андерс шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойига гул қўйиш режалаштирилган.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ



КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Истиқлол тантаналарига ҳамоҳанг тарзда шу кунларда юртимизда муҳим сиёсий тадбир — Президент сайловига тайёргарлик жараёни ҳам қизгин паллага кирмоқда.



Баҳодир ЮНУСОВ,
Марказий сайлов комиссияси
аъзоси

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакти асосида ишлаб чиқилган бир неча халқаро ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Бу ҳужжатлар умумлаштирилиб, Халқаро сайлов стандартлари деб аталиши ва унда белгиланган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, хусусан, Сайлов кодексига имплементация қилингани мамлакатимиз сайлов қонунчилиги барча демократик тамойилларга мос келишининг яққол далилидир.

Умумийлик, тенглик, тўғридан-тўғри ва яшринлик тамойилларига қай даражада амал қилинаётгани сайловни кузатиш бўйича қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини топган. Сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошқоралиги эса, сайловчиларнинг тўғри танлови амалга ошишида муҳим роль ўйнайди.

Айни пайтда сайлов кампаниясининг муҳим босқичлари бошланмоқда. Бу, биринчи навбатда, сайлов ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароларининг сайловчилар рўйхатига киритилгани ҳамда номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнлари билан аҳамиятлидир. Сайлов участкалари сайловчиларга қўлайлик яратиш мақсадида ҳар томонлама шинам ва кўркам биноларга жойлаштирилди. Бунда кейинги йилларда бунёд этилган янги бино ва иншоотлар участка сайлов комиссиялари учун ажратилгани эътиборга молик.

Шунингдек, сайловчилар рўйхати ягона электрон рўйхатдан сайлов участкаларига босқичма-босқич тақсимланмоқда. Энг муҳими, бир сайловчи фақат битта рўйхатда бўлади. Бу, албатта, тенгликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, хизмат, таътил ёки ўқиш сабабли бошқа ҳудудда вақтинча истиқомат қилаётган сайловчиларни шу ҳудуддаги сайловчилар рўйхатига киритиш ишлари округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан назорат қилиб борилади.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТУЗИЛГАН УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Баҳор ҲАЗРАТ қизи,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланғичи 1-бетда

Ушбу муҳим тамойилларни рўёбга чиқариш мақсадида жорий йил 25 август кунин Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурда сайлов участкаларини тузиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда 54 та сайлов участкаси тузилди.

Куни кеча Президент сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан 37 давлатдаги мазкур участка сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди.

Улар таркибига элчихона ходимлари, маслаҳатчилари, консуллар, хориждаги тадбиркор юртошларимиз, Uzbekistan Airways, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, маданий марказ вакиллари, шунингдек, хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар киритилди.

— Сайлов кодексининг 23-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида 40 кун қолганида 5-19 нафар аъзодан, шу жумла-

Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва веб-сайтдан фойдаланиш қоидалари бугунги замонавий иш юритиш услублари асосида амалиётга киритилган.

Сайловолди ташвиқоти давомида сайловчиларга номзоднинг сайловолди дастурини таништиришнинг энг қўлай усулларида фойдаланиш учун шароитлар яратилган. Сайловчи хоҳласа, телевидение ёки радио орқали, хоҳласа, тарғибот материаллари, баннерлар ва электрон таблолар орқали, бевосита номзод ёки унинг ишончли вакили билан учрашув орқали номзодлар ҳақида ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин бўлади. Буларнинг барчаси сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган “Сайлов — 2021” мобиль иловаси эса, сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов кампанияси тадбирлари ҳақидаги ахборот билан тўлдирилган. Бир сўз билан айтганда, сайловчи сайлов ҳақида маълумот олиши учун барча имкониятлар ишга солинган.

Бўлажак сайловнинг аҳамияти ва ундаги жараёнлар ҳақида матбуот орқали узлуксиз ахборот бериб боришмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказиш қизгин бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ҳозиргача ОАВнинг 907 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Бу, биринчи навбатда, сайлов жараёнининг ошқоралиги ва транспарентлигини таъминлашда муҳим. Зеро, сайлов кампаниясида оммавий ахборот воситалари тезкор, ҳозиржавоб ва ҳаққоний кузатувчи сифатида намоён бўлади.

Сайловнинг натижаси, албатта, сайловчининг электорал маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳар бир сайловчининг ўзининг сайлов участкасида шахсан овоз беришда иштирок этиши билан баҳоланади. Сайловчининг сайловда иштироки ихтиёрий. Яширин овоз беришда сайловчининг хоҳиши-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш қонунга хилоф саналади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлган Президент сайловини халқаро стандартлар ва умуминсоний тамойиллар асосида ўтказиш учун барча имкониятлар етарли. Ишончимиз комилки, бу сиёсий тадбир халқимизнинг жипслиги, Ватан тақдирига дахлдорлиги, келажак олдидаги масъулияти, янги Ўзбекистонни барпо этишда собитқадамлигининг яққол кўзгусига айланади.

ПОЛЬША ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

2021 йил 13 сентябрь куни Польша Давлат Котиби, Миллий хавфсизлик бюроси раҳбари П.Солох бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Испом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Польша ҳукуматининг COVID-19 га қарши курашда Ўзбекистонга бегараз ёрдам сифатида ажратилган 252 минг дозадан иборат “Astra-Zeneca” вакцинасини расмий топшириш маросими бўлди.

Ишонсизпарварлик юқини Ўзбекистон томони-га Польша Давлат Котиби, Миллий хавфсизлик бюроси раҳбари Павел Солох ҳамда ушбу мамлакатнинг Стратегик заҳиралар бўйича ҳукумат агентлиги президенти Михал Кучмеровски топширди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилишларича, вакциналар мамлака-

тимизнинг барча ҳудудларига тақсимланади ва улардан яқин 40 кун ичида фойдаланилади.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Польша Миллий хавфсизлик бюроси ўртасида музокаралар ўтказилди. Польша делегацияси, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги, Мудофая вазирлиги ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида учрашувлар ўтказди.

Учрашувларда томонлар учун долзарб бўлган сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни, маданий-гу-

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ — АМАЛДА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕНДЕР СИЁСАТИ ЁРУҒ ИСТИҚБОЛ САРИ ТАШЛАНГАН ДАДИЛ ҚАДАМ

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида бу борадаги устувор вазифалар ижросига қаратилаётган доимий эътибор инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш, хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда фаоллигини ошириш, барча соҳаларни ривожлантиришда муҳим самаралар бераётир. Юртимизда сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлашнинг қонунчилик ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида таъсирчан чоралар кўрилди. Хусусан, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, Президентнинг 6 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарори қабул қилинди. Қонун ҳужжатлари хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ҳуқуқларига оид стандартларга мослиги нуктаи назаридан инвентаризация қилинди.

“Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қаролатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгаши фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда илк бор 2018 йилда Оила институти мустаҳкамлаш концепцияси қабул қилинди. Аёлларнинг никоҳ ёши эркеклар билан тенглаштирилиб, 18 ёш этиб белгиланди. Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланмайдиган меҳнат шaroити ноқулай бўлган ишлар рўйхати бекор қилинди. Бу билан хотин-қизлар барча соҳаларда эркеклар қаторида меҳнат қилиши, ўз салоҳиятини намойён этиши учун имконият кенгайди.

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Мазкур стратегиядаги барча йўналишлар БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида жамиятимизнинг бошқа йўналишлари қаторида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини муҳофазалаш, аёлларнинг оилада ва жамиятда фаоллигини ошириш борасида қилинаётган ишларга тўхталиб, дунёдаги ҳар қандай халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт ва маданият даражаси, аввало, уларнинг хотин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланишини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, юртимизда бу йўналишдаги хайрли ишлар миллий қадриятларимизга ва умуминсоний таъминотларга ҳамма ҳансир.

АЁЛНИНГ ЎРНИ ҚАЕРДА?

— “Аёл ожиза”, “Аёлнинг ўрни оилада”, “Аёл ишламаслиги, уй юмушлари, фарзанд тарбияси билан банд бўлиши керак” каби тушунчалар онгимизга қаттиқ ўрнашиб қолгани боис, қичи-қичангача аёлларнинг бирор идорада раҳбарликка қўтарилишига таажжубланидиган бўлиб қолган эдик. — дейди **Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирқонова**. — Аммо ҳаёт



шиддати бу қарашлар тараққиётга тўсик бўлишини аққол намоён этмоқда. Зеро, тарихимизда рўй берган муҳим эврилишлар жараёнида ҳам зукко болаларимиз сафида оқила, уddaбон, тадбиркор моомоларимизнинг ўз ўрни

бўлгани манбалардан маълум. Ана шу тарихий қадриятлар ва жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, сўнгги йилларда аёлларни жамиятдаги ислохотларга кенг жалб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, 2016 йилда раҳбар аёллар сони 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бошқарув лавозимидagi хотин-қизлар улуши 27 фоизга етди. Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага кўтарилди ва айнан шу кўрсаткич бўйича ТОП-50 талиқдан ўрин олди. Сиёсий партиялардаги хотин-қизлар улуши 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди. Хотин-қизлар ахборот-коммуникацияси, инновация, энергетика, муҳандислик каби замонавий соҳаларга кенг жалб этилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бу йўналишдаги ишлар янада кенгаймоқда.

Эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 2 баробар оширилиб, 2 мингтага етказилди. Базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилди. Тартибга кўра, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан 100 нафардан хотин-қиз учун тўлов пули ҳар йили маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан, молиявий барқарор давлат олий таълим муассасалари томонидан 50 нафаргача хотин-қиз учун давлат олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватланади.

Жорий йилда болаларни давлат боғчаларига қабул қилишнинг регламенти янгиланди. Унга кўра, “Аёллар дафтари”га киритилган ёлғиз оналар фарзандларига имтиёзли навбатга эга бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбага қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун касб-хунар таълими муассасаларига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш амалиёти жорий этилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Судьялар орасида гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши билан ўзаро ҳамкорликда ҳаракатлар дастури ўзлаштирилди.

ҲАР БИР ИНСОН МАНФААТИ ЭЪТИБОРДА

Гендер тенглик тушунчаси нафақат аёллар, балки эркекларнинг манфаати ва ҳуқуқларини ҳам бирдек ҳимоялашга йўналтирилган. Бу йўналишда ёшларга замонавий андозалар бўйича билим бериш баробарида касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш, тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилганлик учун рағбатлантириш субсидиялар, ўз бизнесини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратишга йўлланма бериш каби савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

“Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиблари бўлган ўқувчиларга мос таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида қабул қилинади. “Темурбеклар мактаби” битирувчиларига эса, олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга киришда тўп-

лаган баллнинг 15 фоизи миқдориди қўшимча баллар кўринишида имтиёз берилмоқда. Ҳарбий хизмат ўтаган ва тавсияномага эга бўлган талабаларга контракт тўловининг 35 фоизи компенсация қилиб берилади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизларнинг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари БҲМнинг 4 баробари миқдоригача ва сафарбарлик қақруви резерви хизмати бадали “Ёшлар дафтари” маблағлари ҳисобидан қўланади. “Ёшлар дафтари”га киритилган, моддий аҳволи қийин ёшларга БҲМнинг 4 баробаригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.

Ҳар бир вилоятда ёшлар қурилиш соҳаси касбларига тайёрлаш мақсадида махсус марказларда овқат ва яшаш жойи билан таъминланган ҳолда 6 ойгача ўқитилади. Бундай имконият ва имтиёзлар ўсиб келаётган ёшларнинг ҳаётдан ўз ўрнини эгаллаш ва муносиб ҳаёт кечирishi учун муҳим омил бўлмоқда.

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ТУФАЙЛИ УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

— 15 йил мобайнида қишлоғимиздаги эски машина-трактор паркиннинг уй дейишгаям арзимайдиган қулбасида оилам билан яшаб келдик, — дейди **Бухоро тумани “Работак” маҳалласида яшовчи Дилором Жўраева**. — Турмуш ўртоғим ногирон бўлгани учун янги уй қуришга қурбимиз етмасди. Фарзандларим эса камолга етгани сайин тенгдошларининг яшаш шароитини қўриб кўнгли ўқирди. Болаларим “бизнинг ҳам ўз уйимиз бўладики”, деб савол беришса нима деб жавоб беришни билмай қолардим. Она учун бундан ортққ мусибат йўқ. Шундай қўнларнинг бирида маҳаллада “Аёллар дафтари” очилгани, муҳтож оилаларга имтиёзли асосда уй-жой берилиши ҳақида эшитиб, кўнглимда умид учқунлади. Маҳаллага мадад сўраб борсам, алақачон мени рўйхатга киритишган экан...

Мана, ҳозир маҳалламизда барпо этилган кўп қаватли уйлاردан уч хонали замонавий хонадонда бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз. Уйнинг бошланғич тўлови ҳам давлатимиз кўмағида тўлаб берилди. Ҳозир маҳаллада ободонлаштириш соҳасида ишляялман. Оилам ва фарзандларим келажагидан кўнглим тўқ.

Бу “Аёллар дафтари” туфайли орзулари рўёбга чиққан биргина аёлнинг дил сўзлари. Бугунги кунда бундай имконият туфайли ҳаёти ва дунёқараши бутунлай ўзгарган минглаб аёлни учратиш мумкин. Жумладан, маълумотларга кўра, нотураб жойларда яшайётган 4769 нафар хотин-қиз имтиёзли арзон уй-жойлар билан таъминланган. 4300 нафарга яқин хотин-қизнинг уй-жойи таъминланган, 4 мингдан зиёдаги ижара компенсацияси тўлаб берилган.

— Республика касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда жойларда уйма-уй юриш орқали 6,5 миллиондан ортққ хотин-қизнинг муаммолари пухта ўрганилиб, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга давлат томонидан манзилли ёрдам бериш мақсадида жами 433 мингга яқин хотин-қиз “Аёллар дафтари”га киритилди, — дейди **маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўринбосари Гўлнора Маъруфова**. — Улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, аёлларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини тизимли равишда ўрганиш ҳамда масъул ташкилотлар томонидан ўз вақтида ҳал этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизми жорий этилди. Бугунги кунда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг 99,4 фоизига амалий ёрдам кўрсатилди ва муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 131 мингдан ортққ хотин-қиз иш билан таъминланди, 36 мингдан зиёдаи касб-хунарга ўқитилди. Ўзгалар парваришига муҳтож 29 мингдан ортққ, боқувчисини йўқотган 37 мингга яқин, қарамоғида ногиронлиги бўлган болалари мавжуд 8 мингдан зиёд ёлғиз аёлга 55 миллиард сўмдан ортққ моддий ёрдам кўрсатилди.

Айни вақтда Аёллар дафтари”нинг 2-босқичи доирасида 9 та тоифа бўйича 450 мингдан ортққ хотин-қизлар дафтарга киритилиб, уларга моддий,



ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш йўналишида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳадаги ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида



Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 давлат қаторига киритилди.

ЗЎРАВОНЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ!

— Қонунчилигимизга гендер таъсирчанлик нуктаи назаридан баҳо берилганда, Конституциядан тортиб кодекслар ва қонунларда барча фуқароларнинг ирки, тили, дини, миллати, жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги мустаҳкамланган бўлиб, ушбу таъминотли қонуности ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топади, — дейди **Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Робохан Маҳмудова**. — Бироқ юртимизда аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллашуви жараёни билан бирга, афсуски, жамиятимизнинг баъзи қатламларида ҳали-ҳануз гендер тенгликка тўсқин бўладиган иллатлар бор. Масалан, аёл кишига ожиза деб қараш, оилада ўғил фарзанд туғилишига мойиллик истаги, қизларнинг олий таълим олишига иккинчи даражали масала сифатида қаралиши, улар турмуш қуришида ота-она хоҳиш-иродасининг таъсири, иш бевуқчилик томонидан аёлларга қараганда эркек ходимларга устунлик берилиши, оилада аёлга турмуш ўртоғи томонидан таъйиқ ўтказилиши ҳолатларига шунчаки оилавий можаро сифатида эътиборсиз муносабатда бўлиниши қабилар шулар жумласидандир. Бундай стереотипларни йўқотмасдан туриб жамиятда гендер тенглик тўлақонли таъминлангани ҳақида сўз юритиб бўлмайди, албатта. Бунинг учун, авваламбор, жамиятнинг онгини соғломлаштириш, аёлларга бўлган муносабатни ўзгартириш талаб этилади.

Бу борадаги муаммоларга қарши курашишда 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги қонун муҳим дастурлар амал бўлмоқда. Мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида ва манзилли ёрдам кўрсатиш, уларни ҳимоя қилиш, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги хузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари фаолият юритмоқда.

Маҳаллаларда муаммоси бор хотин-қизларни аниқлаш ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида, аввало, нотинч оилаларда мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали соғлом турмуш тарзига қайтариш бўйича профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2020-2021 йилларда зўравонлик ва таъйиққа учраган 35161 хотин-қизга ҳимоя ордери берилди. Ўтган муддат давомида ҳимоя ордери берилган оилаларда олиб берилган профилактик ишлар натижасида 18533 оила яраштирилди, 12887 оилада низолар бартараф этилди. Маҳаллалардаги оилавий қадриятлар мустаҳкамлаш комиссиялари оилавий низолар, қўни-қўшнилар ўртасидаги жанжаллар, бола тарбияси билан шуғулланмаётган ота-оналар ва бошқа масалалар бўйича доимий муҳомамалар ташкил этмоқда.



Бу ишлардан мақсад оилада зўравонликка чек қўйишга эришиш. Зеро, аёлларнинг турмуш ўртоғи ёки бошқа қариндошлари томонидан қалтакланишига оилавий можаро, оддий ҳол, деб қараш мутлақо нотўғри.

Шу билан бирга, судлар томонидан оила, меҳнат, уй-жой ҳуқуқи билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда аёлларга нисбатан жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонлик аниқланган ҳолатларда прокуратурага хабарнома юбориш ва хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириш, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда аёлларга нисбатан жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонликка учрагани ҳолатида қонунларни қўллаш юзасидан суд амалиётини такомиллаштириш тақлиф этилмоқда.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитасининг маълум қилишича, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятни хабардор этиш мақсадида Ўзбекистон делегациясининг АҚШ ва Европа Иттифоқи, Жанубий Корея, Япония, Россия, Туркия, Қозғистон, Озарбайжон, Кения давлатларига хизмат сафарлари ташкил этилди. Биринчи маротаба Марказий Осиё раҳбар қилишнинг норасмий платформаси иш бошлади. Ўзбекистон жорий йилда бу платформага раислик қилмоқда.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш мақсадида 2021-2022 йилларда халқаро ташкилотлар билан гендер тенглик масалалари бўйича ҳамкорлик қилишга қаратилган миллий дастур ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Жорий йил 30 июнь — 2 июль кунлари Парижда гендер тенгликка бағишланган “Тенглик авлоди” халқаро форуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация иштирок этди. Форумда кўп қиррали ҳаракатлар коалициялари тузилди. Коалицияларга 30 га яқин мамлакат ва 70 дан ортққ турли тузилма, шу жумладан, БМТ агентликлари, фуқаролик жамияти муассасалари, ёшлар уюшмалари, хусусий компаниялар ва давлат хайрия ташкилотлари қўшилди. Ҳаракатлар коалицияси доирасида Ўзбекистон хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, репродуктив саноатлиқни мустаҳкамлаш ва гендер зўравонлиқни бартараф этиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача бўлган даврда Миллий барқарор ривожланиш мақсадларининг гендер соҳасига тегишли бандлари бўйича индикаторлар шакллантирилди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан ўтказилган сўровда етакчи сиёсатчилар, иқтисодчилар, олимлар, журналистлар, ҳуқуқ ҳимоячилари ва бошқа жамоат фаоллари Президентимизнинг кейинги йилларда бошқа йўналишдаги муҳим ислохотлари қаторида юртимизда гендер тенгликни таъминлаш борасидаги амалий ташаббусини ҳам эътироф этгани эса, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари таъминланаётганидан далолат.

Зеро, жамиятда гендер тенгликка эришиш борасида амалга оширилаётган ишлардан мақсад халқимизнинг демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу ниятларини рўёбга чиқариш, юрт тараққиётини юксалтиришдир. Шубҳасиз, ушбу хайрли мақсад сари ташланган ҳар бир дадил қадам ёруғ истиқболга, юксалиш ва фаровонликка эришишда муҳим пойдевор бўлади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



ПИЛЛАКОРЛАРНИНГ КУЗГИ ЖИРМОНЛАРИ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2017 йилга қадар мамлакатимизда бир йилда бир маротаба пилла етиштирилар ва бу жараёнда аҳоли кўпи билан 35-40 кун давомида банд бўлар эди. Бугунги кунда эса пилла етиштирувчи касаначилар соҳада 7 ой давомида узлуksиз меҳнат қилиб, даромад топмоқда.

— Ҳақиқатан, мамлакатимизда 2017 йилга қадар такорий пилла етиштириш йўлга қўйилмаган, — дейди “Ўзбекилаксаноат” уюшмаси бошқарув раиси Баҳром Шарипов. — Аниқроғи, Ўзбекистонда иқлим шароити такорий пилла етиштириш учун мос, деб ҳисобланмаган. Бойси, ўзгарувчан об-ҳаво шароитида (ўта иссиқ ёки совуқ ҳаво ҳарорати) етиштирилган пилланинг сифат кўрсаткичи паст бўлиши натижасида уни қайта ишлаш, яъни, ипак толаси ишлаб чиқариш учун харажатлар кескин ортиб кетар эди. 2017 йилда Президентимиз қарори билан “Ўзбекилаксаноат” уюшмасининг ташкил этилиши ипакчилик ва пиллачилик тизимида янгича ёндашувлар, жаҳон талабларига мос ислохотларни амалга оширишга замин яратди. Пировардида, мутасаддилар томонидан хориж тажрибасини ўрганиб, чуқур таҳлил қилган ҳолда, юртимизда бир йилда 4 маротаба пилла етиштириш йўлга қўйилди.

Таққослаш учун, 2019 йилги кузги мавсумда 19 100 қути ипак қурти парваришланган бўлса, 2020 йилда улар сони 21 700 тага етди. Жорий йилда бу кўрсаткич деярли 4 баробарга оширилмоқда — пилла етиштиришнинг учинчи ва тўртинчи мавсумларида 80 минг қўтидан ортиқ ипак қурти уруғларини парваришлаш кўзда тутилган. Айни пайтда республикаимизда 76 та ипакчилик кластери мавжуд бўлиб, улар томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги касаначиларга шартнома асосида уруғлар тарқатилди. Жорий йилги мавсумда етиштирилган 1 килограмм пилла ҳосили учун 22 400 сўмдан 30 минг сўмгача иш ҳақи тўлаб берилиши келишиб олинган.

Бугунги кунда мамлакатимизда нафақат ипак толаси, балки жаҳон бозорида ўта харидорғир бўлган ипак момиғини ишлаб чиқариш ҳам

Куз — пишиқчилик, йиғим-терим, мўл-қўлчилик мавсуми. Дехқону боғбонлар бир неча ой давомида қилган меҳнатининг маҳсули, етиштирган ҳосилини йиғиб оладиган палла. Ерга қор инмасидан қишки ҳозирликни кўрадиган муҳим давр. Ушбу ғанимат кунлардан пиллакорларимиз ҳам унумли фойдаланиб, пилла етиштиришнинг навбатдаги — учинчи ва тўртинчи мавсумига киришган. Бу йил республикаимизда пилла етиштиришнинг учинчи мавсумида 41 810 қути ипак қурти уруғлари жонлантириш учун инкубаторларга қўйилиб, шартнома асосида касаначиларга тарқатиб берилди. Айни пайтда ҳар бир касаначи хонадонида 2-3 нафар киши ипак қурти боқиш ишлари билан машғул. Шу тариқа, жорий йилги учинчи ва тўртинчи пилла етиштириш мавсумида 200 минг нафарга яқин кишининг бандлиги таъминланди.

йўлга қўйилди. Шу бойси, учинчи ва тўртинчи мавсумларда етиштирилган пилла хомашёсининг асосий қисмини мазкур маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтириш кўзда тутилган.

Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида пиллани қайта ишлаш ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Nurlı tong silk” МЧЖ ҳам корхонада тайёрланган 1 064 қути ипак қурти уруғини кузги мавсум учун шартнома асосида касаначиларга тарқатди. Жараёнга 1 064 киши жалб қилиниб, уларнинг бандлиги таъминланди. Корхона мавсум сўнгига касаначилардан 42,6 тонна “кумуш тола” қабул қилиб олишни режалаштирган.

2002 йилда ташкил этилиб, 2017 йилда



кластер тарзида фаолиятини давом эттираётган ушбу ипакчилик фабрикасида ипак қурти уруғини тайёрлашдан тортиб, пилла етиштириш, уни қайта ишлаш, ипак толаси, момиғи, шунингдек, тайёр маҳсулотлар — ипакиги гилам ва матолар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Бу ерда йилига 300 тоннага яқин пилла қайта ишланиб, 100 тоннага яқин ипак толаси тайёрланади. Жорий йилда миллий матоларимиздан тикилган аёллар либослари

илк бор Хитойга экспорт қилинди. Йил якунига қадар бу ерда тайёрланадиган 3 миллион долларлик маҳсулотни хориж бозорига чиқариш кутилмоқда.

— Корхона 2021 йилда тўлиқ модернизация қилиниши ҳисобига иш ҳажми янада ортди, — дейди “Nurlı tong silk” МЧЖ директори Мақсуджон Қосимов. — Бу ерда Хитойдан келтирилган замонавий ипак йиғириш дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, улар эски ускуналарга нисбатан бир неча баробар кам ишчи кучи талаб қилиши баробарида, жаҳон стандартлари талабига мос, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Фабрикаимизда ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйил-

ган, умумий ҳисобда 150 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилаяпти. Уларнинг асосий қисмини аёллар, кам таъминланган оила вакиллари ташкил этади. Пилла мавсумида эса қўшимча 10 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланади. Уларнинг орасида Фуқат туманида яшовчи Боратали Низонов, Риштон туманидаги Зийнатхон Бадалова каби касаначиларимиз энг кўп пилла етиштириш бўйича бошқаларга намуна бўлиб келмоқда.



Қўшимча даромад манбаи

Хонадонларда ипак қурти боқиб, пилла етиштириш азалдан халқимизнинг меҳнат машғулоти, даромад манбаидан бири бўлиб келган. Тарихий манбаларда ипак қурти етиштириш ва ипакни йиғириш амалиёти бундан 4 000 йил олдин Ўзбекистоннинг жанубида, шунингдек, Зарафшон дарёси бўйларида ривож топганлигига доир маълумотлар мавжуд. Ҳозирги кунда юртимиз пилла етиштириш ва унинг толасини ишлаб чиқариш бўйича дунёда Хитой ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринда туради.

Бугун ота-боболаридан қолган ана шу анъанани иштиёқ билан давом эттирувчилар сони ортиб бораётгани беҳиз эмас. Бойси, сўнгги йилларда юртимизда ипакчилик ва пиллачилик тармоғини ривожлантиришга эътибор ортиб, соҳада илғор технологияларни қўллаш кенгайиб бормоқда. Натижада тармоқда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда сифатли пилла етиштириш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб борапти.

Айни мавсумда ҳам ҳудудларда ишлар ана шундай катта иштиёқ билан давом этмоқда. Хусусан, Андижон вилоятида 7 минг, Самарқанд вилоятида 5 190, Бухоро вилоятида 4 200, Фарғона вилоятида 3 730, Наманган вилоятида 3 360, Сурхондарё вилоятида 3 060, Навоий вилоятида 1 700 қути ипак қурти уруғи жонлантирилиб, пиллакорлар томонидан парваришланмоқда.

Ҳозирда Андижон вилоятида етиштирилган пилла ҳосилини йиғиб олиш ишлари ҳам бошланган. Жараёнда меҳнат қилган 20 мингдан ортиқ пиллакор навбатдаги мавсумда ҳар бир қути уруғидан ўртача 40 килограмм пилла ҳосили етиштириб оляпти. Касаначилардан Олтинхон Ҳамдамова учинчи мавсумда ўзи бириктирилган “Ҳарир тола” ипакчилик кластерига 82 килограмм пилла топширди. Бу ишда унга одатдагидек турмуш ўртоғи, келини ва набиралари кўмаклашди.

— Отам раҳматли “Устозлик — энг қадрли касб” деб, мени олий ўқув юртида ўқитган, — эслайди онахон. — 33 йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. Ҳозир нафақадаман.

“**ХОНАДОНЛАРДА ИПАК ҚУРТИ БОҚИБ, ПИЛЛА ЕТИШТИРИШ АЗАЛДАН ХАЛҚИМИЗНИНГ МЕҲНАТ МАШҒУЛОТИ, ДАРОМАД МАНБАИДАН БИРИ БЎЛИБ КЕЛГАН. ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА ИПАК ҚУРТИ ЕТИШТИРИШ ВА ИПАКНИ ЙИҒИРИШ АМАЛИЁТИ БУНДАН 4000 ЙИЛ ОЛДИН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИДА, ШУНИНГДЕК, ЗАРАФШОН ДАРЁСИ БЎЙЛАРИДА РИВОЖ ТОПГАНЛИГИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР МАВЖУД. ҲОЗИРГИ КУНДА ЮРТИМИЗ ПИЛЛА ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ ТОЛАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ДУНЁДА ХИТОЙ ВА ҲИНДИСТОНДАН КЕЙИН УЧИНЧИ ЎРИНДА ТУРАДИ.**”

Пиллачилик мен учун қўшимча машғулот, даромад манбаи. Қийинчиликлари ҳам йўқ эмас, аммо осон ишнинг ўзи бўлмайдиган, ҳамма нарсаси меҳнат билан унади.

Олтинхон ая болалигидан ипак қурти боқишнинг ҳадисини олган, бу борада яхшигина тажрибага эга. Унинг айтишича, ипак қурти боқишда хона ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш, иссиқ вақтларда пиллаҳонанинг димланиб қолмаслигига эътибор бериш лозим.

Оиланинг 1 гектарга яқин майдонда тут-зори бор. Шундан фойдаланиб, Олтинхон ая ҳар йили бир неча бор ипак қурти боқади. Баҳорда 330-350 килограмм пилла топширади. Унинг айтишича, кузда новдалар бошидаги “сувли” тут барглари териб олинади ва ана шулар ҳисобига пилла қурти боқилади.

Навбатдаги пилла ҳосилини йиғиб олиш ишлари юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бирин-кетин бошланмоқда. 30-40 кун давомида машаққат билан етиштирган пиллани кластерларга топшираётган касаначиларга тарозининг устида посангининг тош босишига қараб, иш ҳақи тўлаб берилаяпти.

Мутасаддиларнинг айтишича, республикаимизда октябрь ойида ҳам ипак қурти парвариши давом эттирилади ва тўртинчи мавсум учун яна 40 минг қутидан зиёд ипак қурти уруғлари жонлантирилади.

ЭКОЛОГИЯ

Чиқиндилар дунё микёсида энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Экологик барқарорликка жуда катта салбий таъсир кўрсатадиган чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилганининг ўзи ҳам бунинг нечоғлиқ жиддий эканини аңглатади. Шу бойси, уларни йиғиш ва қайта ишлаш энг устувор вазифалар сирасига киради.



Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Таҳлиллар мамлакатимизда бу борада давлат-хусусий шериклик йўлга қўйилган жойларда тартиб яхшиланганлигини кўрсатаяпти. Хусусан, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Наманган туманларида маҳаллаларни санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 92 фоизга етиб, тушумлар 2 бараварга ошган.

— Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли ҳудудлар хусусий шерикча бириктириб берилмоқда, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси бошқарма бошлиғи Умаржон Абдуллаев. — Фақат мазкур жараёнда уларни саралаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни татбиқ этиб, қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестициялар жалб қилиниши шарт. Бу бўйича режа қилинган 62 та лойиҳадан 15 тасига тадбиркорлар жалб қилинди. Албатта, бу кўрсаткич паст. Ҳозирда лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш учун тегишли ишлар амалга ошириляпти.

Савол туғилиши табиий. Бундай механизмнинг тадбиркорлар учун қандай афзалликлари бор? Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникалари хусусий шерикча етти йилгача муддатга бўлиб-

бўлиб тўлаш шарти билан берилади. Шунингдек, баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган нархларда сотилади ҳамда лойиҳа якуни бўйича тўловлар тўлиқ тўлаб бўлинганидан сўнг улар ихтиёрга ўтади.

— Биз 2021 йил якунига қадар маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш кўламини 100 фоизга етказишни мақсад қилганмиз, — дейди Умаржон Абдуллаев. — Қолаверса, айни доирадаги хизматларни ташкил этиш соҳасида хусусий сектор улушини 2022 йил якунига қадар 50 фоизга етказиш ҳам галдаги энг муҳим вазифаларимиздан бири саналади. Шунинг баробарида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажми 2021 йил якунига қадар 36,5 фоизга етказилади.

Таъкидлаш жоиз, 2020 йил 29 сентябрда Президентимизнинг “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори эълон қилинган эди. Унинг ижросини таъминлаш юзасидан маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклигининг янги моделини босқичма-босқич жорий этиш механизми яратилиб, 2020 йилда 16 та лойиҳа ишлаб чиқилган ва тендер ўтказиш учун эълон қилинган. Улардан бугунги кунга қадар 8 та лойиҳа бўйича битим тузиш ҳуқуқини қўлга киритган тадбиркорлик субъектлари билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Албатта, бу оқилона йўл. Буни Сурхондарё вилояти Ангор туманида фаолият юритаётган “Bio techno eco” МЧЖ фаолияти мисолида кўриш мумкин. У — чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва қайта ишлашга ихтисослашган замонавий корхона. Европа технологиялари асосида иш олиб борувчи ушбу жамиятда йилига 180 минг тоннадан ортиқ чиқинди қайта ишланиб, 10 дан ортиқ турдаги тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Пластик қувурлар, труба, уй-ўзғор буюмлари, целлофан ва целлофан гранулалари, қоғоз маҳсулотлари шулар жумласидан.

Корхона яхшигина даромад кўриш билан бирга, Ангор, Термиз шаҳри ва Термиз туманларида ҳосил бўлаётган чиқинди маҳсулотларини саралаш, теварак-атрофда экологик тозаликни сақлашда катта аҳамиятга эга.

— Узоқ йиллар олдин бўш, ташландиқ ерни болалар майдончасига айлантиришга ҳаракат қилганмиз, — дейди “Bio techno eco” МЧЖ раҳбари Илҳомжон Боқижонов. — Шунда ушбу майдонга аҳоли томонидан турли чиқиндиларни ташлаб кетиш ҳолатлари кузатилган. Уларни қайта ишлаш ғояси ўшанда пайдо бўлганди. Наҳотки, кераксиз саналган бу нарсаларни қайта ишлаб, самарали



фойдаланишнинг, даромад олишнинг имкони бўлмаса, деган савол менга тинчлик бермаган ва бу борада изланганман. Ҳозирда аҳоли ва саноат корхоналаридан ҳосил бўлаётган маиший чиқиндиларни қайта ишлаяпмиз. Темир ва шиша, резина маҳсулотларини йиғиб, ишлаб чиқарувчи корхоналарга топшираимиз. Органик чиқиндилардан эса биогумус ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз.

Корхонада бугунги кунда 360 нафар ишчи фаолият юритади. Аҳамиятли томони шундаки, ишсиз



ёшлар, аёллар мана шу жойда банд, ойлик маош билан таъминланмоқда. Чикинди ташийдиган 50 дан ортиқ автотранспорт воситасига эга мазкур ташкилот маиший хизмат кўрсатиш билан ҳам шуғулланади. Илҳомжон Боқижонов Тожикистон, Афғонистон, Япония, Хитой каби давлатлар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга арзон ярымтайёр маҳсулотлар етказиб беради. Бундай хомашёлар четдан келтирилгандан қора анчайин камхаражатли.

— Чиқиндиларни қайта ишлаш бу жуда катта даромад дегани, — дейди Илҳом ака. — Биргина қоғозни қайта ишлашни олайлик, бу билан қанчадан-қанча дарахтар кесилишининг олди олинади ва электр сарфини камайтиради. Бир тонна қоғозни қайта ишлашда уни ёғочдан тайёрлаш учун кетадиган сувнинг ярами сарфланади. Шунингдек, жараён ишчи ўринлари яратилиши билан ҳам аҳамиятли. Истиқболдаги режамиз: ишчи ўринларини бир ярим мингдан ошириш, шунингдек, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга синтетик толарани етказиб бериш, қурилиш ва тиббиёт чиқиндиларини қайта ишлашдан иборат. Юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун фойда келтириш, хориждан валюта киритиш энг олий мақсадимиз.

Ҳа, бу борадаги ёндашувлар атроф-муҳитнинг токсик саноат ва тиббиёт чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш баробарида қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш учун ҳам муносиб ечим бўла олади. Мамлакатимизда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича 281 та корхона мавжуд бўлиб, улар қайта ишлаш натижасида полиэтилен, қоғоз, шиша, резина, металл, қадоқлаш, қувур ва бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 2020 йил давомида республика бўйича 1 миллион

25 минг тонна маиший чиқинди қайта ишланган ва у 21,9 фоизга етказилди. Иккиламчи хомашё маҳсулотларини саралаб олиб, сотиш ва қабул қилиш фаолиятини олиб борувчи шоҳобчалар томонидан йиғиладиган маҳсулотлардан ҳужалик фаолиятида қайта фойдаланиш натижасида ресурс тежамкорлигига ҳамда товарнинг таннархи арзон бўлишига сабаб бўлади.

Айтиш мумкинки, чикиндига фақатгина экологик муаммо эмас, балки тижорий фаолият сифатида қараш катта аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси маиший чиқиндиларнинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундай тадбирлар натижасида электр энергияси ва сувдан фойдаланиш ҳажми бир неча баробарга камаяди. Хусусий корхоналар утилизация билан шуғулланиб, фойда олиш, имтиёزلарга эга бўлиш баробарида атроф-муҳитга ҳам гамхўрлик қилимоқда.

Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё, қурилиш саноси объектлари атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар саналади. Сўнгги тўрт йилда саноат корхоналари икки баробарга кўпайиш натижасида шаҳарларда чанг-газ миқдори ҳам шунчага ошди. Худудларда “Лшил майдонлар” уч-тўрт бараварга қисқариб, ўртача 8 фоиздан камайиб кетгани жиддий ташвиш уйғотади.

Тиббиёт чиқиндилари атроф-муҳитни ифлослантириш баробарида инфекцияцион ва ноинфекцион касалликларнинг тарқалиши хавфини туғдиради. Ишлатилган химоя ниқобларини олайлик. Улар ҳам ўта хавфли саналади. Сабаби вирусли томчилар қуриб, ҳаво орқали кўчиб юриши ва тарқалиши мумкин.


2021 йил январь-июнь ойлари давомида чиқиндиларни назорат қилиш йўналишида жами 9 896 та ҳуқуқбузарлиқлар аниқланган ва уларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чора қўрилган. Уларнинг асосий қисми фуқаролар томонидан чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш оқибатида содир этилган.

Бугунги кунда ҳар бир инсонда экологик маданият бўлиши жуда муҳим. Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизлиқни таъминлашга йўналтирилган изчил экологик сиёсат юритилмоқда. Масаларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, масъуллар, мутасаддилар томонидан қатор чоралар қўрилмоқда. Бу каби чора-тадбирлардан кўзланган мақсадга эришиш учун эса, барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз лозим. Ана шундагина қўтилган натижалар қуттириб қўймайди.

РАҒБАТ ВА НАТИЖА

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Бу эътирофга паралимпиячиларимиз эришган ютуқлар мисолида ишонамиз



— Спортчиларимизнинг тарихий ғалабаси юртдошларимиз қалбига ғурур ва ифтихор бағишлади. Ҳар қандай муваффақият истак, ишонч ва меҳнат эвасига келади. Суҳбатимиз аввалида, юртимизда спорт соҳасини ривожлантириш ҳамда спортчиларнинг XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик жараёнлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Сўнгги беш йилда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш, спортчиларимиз жаҳон ареналарида юқори натижаларга эришиб, мамлакатимиз нуфузини юксалтиришига катта эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, юртимизда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, жамиятга мослашувчанлиги учун қўлай шароитлар яратилмоқда. Шу мақсадда қатор қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 18 майдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда спорт соҳаси, жумладан, параспорт турлари бўйича терма жамоалар учун жуда катта имкониятлар эшиги очилди. Бир сўз билан айтганда, юртимизда паралимпия ҳаракати ривожланиши учун ҳуқуқий база пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлови билан Ўзбекистон паралимпия қўмитаси томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, аниқ мақсад асосида янги тизим яратилди. Мазкур тизим билан паралимпиячиларимиз нуфузли мусобақага жиддий ҳо-зирлик кўрди ва яхши натижалар кўрсатди.

Спортчиларимизнинг машғулотларни талаб даражасида ўтиши учун мураббийлар, ши-

ноамён бўлди. Натижага кўра, 19 медалнинг 11 тасини қизларимиз қўлга киритди. Шу пайтга-ча юртимиз спорти тарихида бундай кўрсаткич қайд этилмаган эди. Қизларимизнинг бу ғалаба-си спортимиз тарихида мисли кўрилмаган воқеа-га айланди. Умид қиламизки, бу анъана давом этади.

— Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари тантанали кутиб олинди. Делегация аъзолари бу жараёни кутганмиди?

— Янги Ўзбекистонга янги ғалабалар келтирган музаффар спортчилар пойтахт аэропортида муносиб кутиб олинди. Юзлаб ватан-

фокорлар, диетологлар, психологлар таркиби шакллантирилиб, спорт базаларида зарур ва қўлай шароитлар яратилди. Бу каби ишонч ва ғамхўрликка жавобан спортчиларимиз тўрт илликнинг нуфузли мусобақасида ўз сўзини айтди.

— Бугун дунёда пандемия вазияти ҳар бир йўналишга ўз таъсирини кўрсатиб ул-гурди. Токио Паралимпия ўйинларида Ўз-бекистон спорт делегацияси аъзоларининг иштирокини ҳар биримиз ҳаяжон билан ку-затдик. Мана шундай синовли жараёнда жа-моа қандай бирлаша олди?

— XVI паралимпия ўйинларида ватани-миз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳар бир спортчимизни чин маънода жасорат ва матонат соҳиби, дейишимиз мумкин.

Гарчи ўйинларда рекорд даражада йўллан-мани қўлга киритган бўлсак-да, лекин айрим ва-зиятлар сабаб 3 нафар дзюдочимиз ва етакчи атлетларимиз, афсуски, мусобақаларда қатна-ша олмади. Шу сабаб қутилган натижалар анча пастлаб кетди.

Медаллар борасида режалаштирган ва ғолибликка асосий даъвогар сифатида кўрил-ган атлетларимизнинг аксарияти ушбу вазият-дан келиб чиққан ҳолда, бор имкониятларидан унумли фойдалана олмади. Натижада медал-ларга даъвогар бир неча спортчимизнинг 5 йиллик меҳнати натижаси намойиш этилмай қолди, бу ҳолат делегациянинг умумий кайфи-ятига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Умуман олганда, матонатли спортчиларимиз ҳар икки жабҳада ҳам астойдил кураш олиб бо-риб, қўзлаган мақсадларига эришди.

Паралимпиячиларимизнинг Токио майдон-ларидаги азму шижоати, шашту шиддати ту-файли жаҳондаги миллионлаб спорт ихлосман-длари Ўзбекистоннинг куч-қудратига, халқимиз салоҳиятига яна бир бор тан берди. Қўлга ки-ритилган ютуқларда, албатта, спортчиларнинг ўқув-машғулот йўғинларини мунтазам ўтказиши учун яратилган шароит, тажриба ва маҳоратини ошириши, паралимпия ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга қатнашиши йўлидаги имкониятлар, ғамхўрлик ва эътибор алоҳида аҳамият касб этади.

— Давлатимиз раҳбарининг юксак эъ-тибори туфайли бугун мамлакатимизда хотин-қизлар спортига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу эътиборнинг самараси Паралимпия ўйинларида яққол намоён бўл-ди. Шундай эмасми?

— Албатта, бугун юртимизда хотин-қизлар саломатлиги, уларнинг спорт билан шуғулла-ниши учун қўлай имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда. Қизларни болалиқдан спортга ки-зиқтириш ва жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаганингиздек, бунинг самараси нуфузли мусобақада мам-лакатимиз жамоаси таркибидаги хотин-қиз-лар қўлга киритган муваффақиятлар билан

бахт, бебаҳо мукофот. Аввал бу каби эътибор кузатилмаганди. Маросимда Президентимиз спортчиларни самимий табриклади. Уларнинг дунё аренасидаги қаҳрамонликларига алоҳида тўхталиб ўтди. Ушбу юқори натижалар янги Ўз-бекистоннинг янги ғалабалари сифатида эъти-роф этилди.

Мустақиллик байрамига бағишланган тантана-да Шавкат Мирзиёев паралимпиячиларимизга ўз ишончини билдириб, уларни олқишлаб, муваф-фақият тилаган эди. Шўркки, жамоамиз қўйин вазиятда ҳам бир бўлиб ҳаракат қилди, оғир ва-зиятдан чиқиб кетишда ўзларида куч топа олди.



дошларимизнинг чемпионларни шарафлаш учун пойтахт кўчаларига чиққани, қўллаб-қув-ватлагани барча спортчиларни қувонтирди. Шахсан Президентимиз тақлифи билан жамо-амиз аъзолари “Янги Ўзбекистон” боғидаги Му-стақиллик монументи олдида буюк меросимиз ва аждодларимиз орзу-истаги бўлган мажмуа-да паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндор-лари иштирокчилари, уларнинг ота-оналари самимий муборақбод этилди ҳамда ғолиб ва совриндорларга Президент совғалари топши-рилди. Албатта, бундай эътибор уларга катта рағбат беради.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг “Янги Ўзбекистон” боғида тақдирланишида ҳам рамзий маъно бор. Чунки бу ғолиблар — янги Ўзбекистон медаллари. Улар келгуси мусобақа-ларда ҳам Ўзбекистон шарафини астойдил ҳи-моя қилади.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев XVI Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндор-ларини қабул қилиб, уларни давлатимиз-нинг юксак мукофотлари билан тақдирлади. Учрашувда миллий паралимпия ҳаракатини ривожлантириш борасида ҳам қатор ташаб-бусларни илгари сурди. Мазкур учрашувга ҳам тўхталаск.

— Паралимпия оиласида янги саҳифа очилди. Давлатимиз раҳбари ҳузурида бўлиб ўтган маросимда делегациямиз аъзолари юк-сак ҳурмат билан кутиб олинди. Тантанاداги кўтаринкилик ғолиблик шоҳсупасидаги ҳаяжон-дан баланд бўлди. Чунки давлат раҳбарининг шахсий эътирофи, халқимиз эътироми — олий

Президентимизнинг паралимпиячиларни “жасорат ва матонат тимсоли” дея эътироф этиши ёшларни руҳлантирди, бизнинг кўнгли-мизни фаҳрга тўлдирди. Бундан ташқари, маз-кур йиғилишда мураббийлар меҳнати, уларнинг фаолияти катта эътиборга муносиб кўрилиши, янги Ўзбекистон фарзандлари учун янги тизим ишлаб чиқиши, вилоятларда паралимпия бўлимларини ташкил этиб, спорт мактабла-рида имконияти чекланган ўсим-ёшлар учун алоҳида бўлимлар фаолияти йўлга қўйилиши вақти-соати келгани, қишки спорт турларига ҳам алоҳида эътибор берилиб, спортчилар учун шароитлар яратилиши ҳақида сўз борди.

— Учрашувда “Матонат мактаби” ташкил этилиши ҳақида ҳам айтилди. Бу мактаб фа-олияти қандай йўлга қўйилиши кутилмоқда?

— Президентимиз юртимизда “Матонат мактаби” ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу мактаб вакиллари бўлган етакчи параспортчилар ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларни ирода ва сабрли бўлишга ундаши, Ватанга хизмат қилишга бел боғлаши, ҳаёт тўсиқларидан мар-донавор ўтиши борасида ўрнат ва намуна кўр-сатиши кераклигини айтди. Албатта, бу борада янги тизим асосида тез орада ёшлар фикрини ўзгартирадиган, маънавиятни шакллантиришга хизмат қиладиган янги лойиҳаларни ишлаб чиқишни замон такозо этмоқда.

— Президентимиз фармонида мувофиқ XVI Паралимпия ўйинлари ғолиб ва сов-риндорлари, мураббийлар давлатимизнинг фахрий унвон, ордон ва медаллари билан тақдирланди. Маросимда ушбу мукофотлар-

ни давлат раҳбари ўз эгаларига тантанали топширди. Бу эътироф ва мукофот эса ўз ўрнида сизга катта масъулият ҳам юклайди.

— Давлатимизнинг бундай эътирофи, кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик, албат-та, янада юқори марраларга эришишда куч, мадад бағишлайди. Эътирофга муносиб бўлмоқ юрт фарзандининг қалб тўридаги эзгу ниятидир. Биз бу эътироф ва ишончни оқлашга, Президентимиз ва халқимиз учун астойдил хизмат қилишга тайёرمиз. Насиб қилса, янги Ўзбекистон обрў-эътиборини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қи-лишга ҳаракат қиламиз.

Эндиликда биз янгича қараш, белгилаб бе-рилган вазифаларни бажариш устида излани-шимиз керак, чунки замон шиддат билан ўзгар-моқда. Эртанги кунимиз учун бугундан қадам ташлашимиз жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, янги тизим биз учун катта за-мин бўлиши керак.

XVI ёзги Паралимпия ўйинларида спортчи-ларимиз намоён қилган маҳорат, шижоат ва матонат — катта жасорат. Мазкур мусобақада паралимпиячиларимиз спортнинг 8 тури бўй-ича иштирок этган бўлса, 2024 йили Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган XVII паралимпия ўйинларида спорт турлари географиясини кенгайтириб, бундан-да юқори натижаларга эришишга, янги Ўзбекистон доврғини жаҳон-га ёйишига интиламиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Башорат ЮНУСОВА
суҳбатлашди.

Бошланиши 1-бетда

Татаристон пойтахтида 4-11 сентябрь кунла-ри катта ҳаяжон билан ўтказилган Ҳамдўстлик ўйинларида ғалабага бўлган кучли иродани на-мойиш қилиб, Янги Ўзбекистон шон-шухратини улугʻлаган спортчиларимизга, уларнинг мураб-бийларига гуллар тақдим этилди.

1-МДХ ўйинларида 150 нафардан зиёд спорт-чимиз 16 та спорт тури бўйича иштирок этган бўлса, шуларнинг 100 нафарга яқини шоҳсупага кўтарилди. Уларнинг муваффақияти шарафига Ўзбекистон байроғи сарбаланд бўлди. Илк бор ташкил этилган ўйинларда Ўзбекистон спортчи-лари умумжамоа ҳисобида 2-ўринга сазовор бўл-ди. Қўлга киритилган 91 та медаллар жамланма-сининг 23 таси олтин, 32 таси кумуш ва 36 таси бронза экани назарда тутилса, бу ғалабаларга Ватанни севишдек муқаддас туйғуга собитлик, матонат ва шижоат эвасига эришилгани кўнгилда ифтихор ҳисларини жўш урдиради.

Ҳамдўстлик ўйинларининг қаҳрамонларини ку-тиб олиш маросимида давлат ва жамоат арбобла-ри, спорт фахрийлари, ота-оналар, зиёлилар Татаристон пойтахтида ўтган мусобақаларнинг аҳамияти, умидли спортчиларимизнинг зафарли ғалабалари ҳақида тўқиниланиб гапирди. Бундай мусобақалар спортчиларимиз учун келгусидаги

МДХ ЎЙИНЛАРИ: ҒАЛАБАЛАРНИНГ ЁҒДУСИЮ ТАРОВАТИ БОР



нуфузли турнирлар, қитъа ва Олимпия ўйинла-рида юксак ғалабаларни қўлга киритишда пойдевор вазифасини ўташи таъкидланди.



Қозон ўйинлари тарихга айланди. Унинг на-тижаларини таҳлил қилиш, керакли хулосалар чиқариш ва кейинги спорт ўйинлари учун режа-

ларида шаклланади. Шу маънода, Қозон мусобақаларида бахслашган ёш спортчила-римиз соғлом турмуш тарзи тарғиботчила-римидр.

1-МДХ ўйинларининг ғолиб ва совриндор-ларини кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Абдуҳақимов, Б.Мусаев иштирок этиб, ёш спортчиларга келгуси нуфузли мусобақаларда омадлар тилади.

МДХ ўйинларида олтин медаль олган спорт-чиларга давлатимиз томонидан 25 миллион сўм, кумуш медалга сазовор бўлганларга 15 миллион сўм, бронза медални қўлга киритган-ларга 10 миллион сўмдан пул мукофоти белги-ланган эди. Маросимда спортчилар, уларнинг мураббийларига ушбу пул мукофотлари топши-рилди.

Аэропортида зўр шодиёна билан кутиб олин-ган спортчилар делегацияси юрт байроқлари билан безатилган автобуслар қарвонида Тош-кент кўчалари бўйлаб ҳаракатланиб, ғолиблик маршини ўтказишди. Музаффар спортчила-римизни минглаб ёшларимиз, жамоатчилик вакиллари олқишлаб қаршилади.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА муҳбири



ХАЛҚАРО КОНГРЕСС

ШАРҚДАН КЎТАРИЛИБ БОРАЁТГАН ҚУЁШ ЁҒДУСИ ёхуд янги Ўзбекистоннинг “Олтин даври” бошланмоқда

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги бошланди. Унинг доирасида “Ўзбекистон маданий мероси — Учинчи Ренессанс пойдевори” V халқаро конгрессининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон җамияти томонидан ўтказилаётган халқаро конгрессда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 350 га яқин олим ва мутахассис — етакчи шарқшунослар, манбашунос, эксперт, тадқиқотчи, кўлэмалар ва миниатюралар бўйича мутахассислар, ноширлар, музейшунослар иштирок этмоқда.

— Биринчи Ренессанс — Уйғониш даврида буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиққан, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, профессор, юридик фанлари доктори, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон җамияти тахририят кенгаши раиси, Илмий кенгаши аъзоси Акмал Саидов. — Аниқ фанлар соҳасида Мухаммад Хоразмий, Абу Бақр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фароний, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Ибн Рушд, Мухаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафий, тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Сино, тилшунослиқда Маҳмуд Замахшарий, шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, рассомчиликда Камолдидин Бехзод баракали ижод қилган. Уларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашариёт тарқиёти ривожига мислсиз ҳисса қўшган. Юртимизда кечган ҳар икки Ренессанс тарихини ўрганар эканмиз, бугунги кунда биз Президентимиз бошчилигида қадам ташлаётган Уйғониш даври ўзига хос мустақам пойдеворга эга эканлигига гувоҳ бўламиз.

Тадбирда қайд этилганидек, ЮНЕСКО томонидан Марказий Осиё цивилизацияси тарихига бағишланган олти жилдлик китоб нашр этилди. Бугунги янгиланаётган Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс босқичида мамлакатимизда таълим, маданият, санъат, илм-фан ривожига оид кўплаб дастурлар, фармон ва қарорлар қабул қилинаётир.

Маданий меросни ўрганишга доир ташкил этилган ушбу конгресс ҳам аynи соҳадаги юксак эътиборнинг амалий натижаси эканини хориқлик иштирокчилар алоҳида эътироф этди. Бу жиҳатлар ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили вази-фасини баржаруви Александрос Макаригакис, Австриянинг “Mueller&Shindler” наشريёт уйи раҳбари Шарлотта Крамер, Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, Шарқ кўлэмалари институти директори Ирина Попова ва бошқа иштирокчиларнинг чиқишларида такрор-такрор эътироф этилди.



Мирзо Улуғбекнинг махсус буюртмаси асосида ишлаб чиқилган кўлэзма

Конгресс доирасида ўтказилган янги китоблар тақдими иштирокчиларга ўзгача завқ ва илҳом бағишлади. Айниқса, Мирзо Улуғбекнинг

махсус буюртмаси асосида ишлаб чиқилган кўлэзма намойиши кўплаб мулоҳазалар ва эътирофларга сабабчи бўлди. “Харакатсиз юлдузлар китоби” номли астрономик асар ноёб кўлэзма бўлиб, ўзида ўзбек заминининг алломаси Мирзо Улуғбекнинг буйруғи билан яратилганини исботловчи далилларни ўз ичига олади. Унда “Цефей” юлдузлар туркуми шаклидаги Мирзо Улуғбек тасвирланган миниатюра, олтин сиёҳ билан битилган думалоқ ёзувлар мавжуд.

Ушбу қадимий кўлэзманинг факсимилеси Австриянинг “Mueller&Shindler” наشريёт уйи томонидан “Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон җамияти” билан ҳамкорликда тайёрланган. Асар муаллифи Х асрнинг машҳур астрономи ва мунажжим Абдураҳмон ибн Умар ас-Суфийдир. Урта аср астрономиясида “Харакатсиз юлдузлар китоби” чиндан ҳам даврий асарга айланган ва ўз астрономик жадвалларини яратиш устида ишлаган аллома Улуғбекка ёрдам берган. Бу кўлэзма шахсан Мирзо Улуғбек томонидан битилган ёзувларни ўз ичига олган ва Франция Миллий кутубхонаси фондида сақланади.

— Биз бир неча йиллардан буён Франция Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлик қиламиз. “Харакатсиз юлдузлар китоби”нинг факсимиле нусхаси ҳамкорлигимиз натижаси бўлган иккинчи нашрдир, — дейди Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш җамияти бошқаруви раиси Фирдавс Абдухаликов. — Ундан олдин машҳур “Меъронома” диний-фалсафий асарининг факсимиле нусхасини ишлаб чиққандик. Биз Ўзбекистон Президенти ҳамда Австриянинг “Mueller&Shindler” наشريёти кўмаги билан бутун дунёдан келган олимларнинг орзулари ҳақиқатга айланганидан чеқисиз бахтиёрмиз, чунки бу энг бой маданий меросини асраб-авайлаш учун жуда муҳимдир.

Ҳамяят бошқаруви раисининг сўзларига кўра, ноёб кўлэмаларнинг олти факсимиле наشريлари аллақачон “Mueller&Shindler” наشريёти томонидан тайёрланган. Улар орасида Россия Фанлар академиясининг Шарқ кўлэмалари институти тўпламларидан олинган Катталангар Қуръони, буюк ҳукмдор ва саркарда Амир Темурнинг ҳаёти ва ижодининг тавсифи бўлган “Зафарнома”, Хусайн Бойқаронинг девони, “Меъронома” кўлэмаси, “Темур тузуклари” бор. Барча кўлэмаларнинг факсимиле нусхалари Ўзбекистон музейлари ва кутубхоналарига совға қилинади.

Дунё олимлари: Президент Мирзиёев ташаббуслари таҳсинга лойиқ

“Ўзбекистон маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори” V Халқаро конгресси иштирокчилари, дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон җамияти аъзолари Ўзбекистон Президентига аънавий Мурожаат қабул қилишди. Олимлар Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатда, жумладан, илм-фан ва маданият соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ва туб ислохотлар борасидаги позициясига хайрихоҳ эканликларини таъкидладилар.

“Ўзбекистонда учинчи Ренессанс учун шароит яратишга қаратилган миллий ғоя, аввало, пухта ўйланган маданий сиёсатга асосланган. Айнан маданият мамлакатининг тикланишига, җамият маънавиятининг юксалишига, одамларнинг, айниқса, ёш авлоднинг ватанпарварлигини тарбиялашга асос бўлади. Ўзбекистонда миллий маданият соҳасидаги тизимли ислохотлар туфайли қадимий ёдворликларни кенг миқёсда тиклаш ва ўрганиш ишлари олиб борилмоқда, илмий ва маърифий ишлар янги турт-



ки олмоқда, халқ ижодиёти ҳамда номоддий меросини асраб-авайлаш давлат даражасида кўплаб-қувватланмоқда. Мамлакатнинг бу меросини асраб-авайлашга қаратилган сиёсати чиндан ҳам таҳсинга сазовор. Сўнги йилларда у кескин ўзгаришларга дуч келди. Бу Сиздан беқиёс улкан куч талаб қилган рост. Сизнинг ажодлар ютуқларига, уларнинг тажрибасини сақлаб қолиш ва тақомиллаштиришга бўлган шахсий эътибориниёиз ва ҳурматиниёиз ҳаммамиз учун намунадир”, — дейилади Мурожаатда.

Олимлар, шунингдек, Ҳамяят ишининг натижаларини таъкидлашди. “Мамлакатдаги фан ва маданият муассасаларининг иши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаши ва сиёсий ўродаси билан кўплаб-қувватланаётгани алоҳида эътирофга сазовор”, — дея қайд этди РФА Шарқ кўлэмалари институти директори Ирина Попова (Россия).

“Биз, дунёнинг турли мамлакатлари — Европа, Осиё ва Америкадан келган мутахассислар, Сизнинг бу соҳадаги ноёб ташаббуслариниёизни ҳар томонлама кўплаб-қувватлашга тайёрмиз. Ўзбекистоннинг маданий меросини ўрганиш соҳасида иш олиб борар эканмиз, ҳар биримиз Ўзбекистон ҳудудида бронза давридан бошлаб, қадим замонлардан буён ривожланиб келган энг бой маданиятнинг қадр-қимматига ишонамиз. Бу мамлакатининг ниҳоятда бой маънавий ва моддий мероси жаҳон цивилизацияси учун абадий қадриятдир”, — деб таъкидлади Темурийлар санъати ва тарихини ўрганиш ассоциацияси президенти ва ҳаммуассиси Фредерик Боперти-Брессанд (Франция).

Конгресс иштирокчилари, Бутунжаҳон җамияти аъзолари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон маданий меросини асраб-авайлаш борасидаги ташаббуслари ва ҳаракатларини ҳар томонлама кўлаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдиришди.

“Бугунги кунда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар юксак ҳурматга лойиқ. Шаржа Археология бошқармаси номидан Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати-га бутун дунё халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустақамлаш йўлидаги сазй-ҳаракатлари учун миннатдорлик ва ташаккуримни изҳор қиламан”, — дея ўз фикрини билдирди Шаржа Археология кенгаши директори Эиза Юсиф (БАА).

Россия Давлат Эрмитажининг бош директори Михаил Пиотровский Бутунжаҳон җамиятининг V конгресси иштирокчиларига махсус мурожаат йўллади. “Бизнинг музей ва Ўзбекистоннинг кўплаб муассасаларини узоқ йиллик дўстлик, шунингдек, маданият ва фан соҳаларида буғунги мураккаб замонда ҳам фаол давом этиб келаётган ҳамкорлик ришталари боғлаб келади. Биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан амалга оширилган барча лойиҳаларга



доим мамнун бўлиб келганмиз ва ўртадаги ҳамкорлик яна узоқ йиллар давом этиши, янада кенга тус олишига умид қилиб қоламиз”, — деб таъкидладани Мурожаатда.

Илм жавҳаридан куч олаётган мамлакат

Маданий форум доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ташаббуси билан яна бир муҳим воқеа сифатида ТУРКСОЙга аъзо давлатлар маданияти вазирилари доимий кенгаши йиғилиши бўлиб ўтади. Дастур доирасида “Хива — Турк дунёсининг маданий пойтахти” доирасидаги тадбирлар ҳақида ҳисобот, 2022 йил турк дунёсининг маданий пойтахти тақдими, шунингдек, 2021-2024 йиллар учун ТУРКСОЙ Бош котиби сайлови бўлиб ўтади.

Хивада, шунингдек, “Археология ва туризм: салоҳиятини аниқлаш ва меросни бошқариш” халқаро конференцияси бўлиб ўтади. Тадбир ЮНЕСКО шафелигида ўтказилади. Иштирокчилар томонидан археологик меросни бошқариш ва геомаданий брендинг, фундаментал ва амалий илм-фандаги археологик мерос ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Маданий мерос ҳафталиги давомида иштирокчилар Нукус шаҳрига ташриф буюришади ва Нукус бахшичилик мактабида бўлиб ўтадиган “Бахшичилик санъатининг жаҳон маданияти цивилизациясида тутган ўрни” халқаро илмий-назарий конференцияси ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилиш маросимида иштирок этишади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

YUZ.UZ NEWS

II ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК
САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ

ДЎМБИРАМНИ ҚАЙТА ОЛДИМ ҚЎЛИМГА



Бойқўчқор АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ бахшиси

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Ўзбекистон халқ бахшиси унвонини олганим менга янги ғайрат, жўшқин ижод берди. Бу эътирофдан ва эътибордан илҳомланиб, давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлаш учун ҳақиқий маънода қўлимга дўмбирамни қайтадан олиб, қайтадан ижодга ўнгиндим. Айни пайтда терма, дostonлар яратиш завқи билан бахтиёрман.

Дўмбира — халқимизнинг биринчи сoзи. Дostonчилик, бахшичилик ҳам ўша даврларда пайдо бўлган. Бахшлар қадимдан хабарчи, қайвони одамлар ҳисобланиб, у мамлакатдан бу мамлакатга хабарларни етказиб туриш вази-фасини ҳам бажаришган. 20-30 нафар бахши жам бўлиб, “Алпомиш”ми, “Гўруғ”ми, “Кунтуғмиш”ми, қўйинки, қайси бир дostonни ўртага қўйиб олиб, қуйлашган. Бир бахши тўхтаган ердан иккинчиси улаб кетган. Дostonни бахши тўхтатган еридан давом эттира олмаган бахшига “сиз яна тайёрланинг”, дейилган.

Асл бахшлар ана ўшанда сараланган. Бу аънаа деярли тўхтаб қолганди. Президентимизнинг бахшичилик санъатига бўлган юксак эътибори, ҳурмати туфайли кейинги йилларда яна ривож топмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йилдаги қарори билан Термиз шаҳрида ўтказилган биринчи халқаро бахшичилик фестивали кўплаб сара бахшларни кашф этишда муҳим омили бўлди. Юқорида айтганимдек, ушбу фестивалда бахшларимиз “Алпомиш” дostonини кетма-кетликда қуйлади. Билмаган қикиб кетаверди.

Бахшларимиз ижросини баҳолаш бораёнда дostonчилик санъати намуналарининг асл миллий хусусиятлари, ижрочиларнинг ижро маҳорати, қийиниш ва сахна маданияти, ижро этилидиган қуй, нағма ва термаларнинг бадий қиймати, ижро услублари ва йўлларнинг мутаносиблиги, қиймларнинг безакларига эътибор берилгани иштирокчиларни кейинги фестивалларда шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратишга ундади.

Бахшичилик санъатини нафақат республика, балки халқаро миқёсда ҳам кенг тарғиб қилиш, фестивални республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш, жойлардаги ижодий мактабларни “устоз-шогирд” аънааларни асосида қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида жорий йил 10 апрель кунин Президентимизнинг “II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёрларлик қўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу республикамиздаги барча бахшларни янада илҳомлантириб юборди. Қувонарлиси, бугун бахшичиликка эътибор қўчайганидан қашқадарёлик юзлаб болалар қўлига дўмбира олиб, терма, дostonлар айтмоқда. Алоҳида мактаблар очилгани, бахшичилик фестиваллари ташкил этилаётгани уларни 20-30 тахлиб дoston қуйлади-ган, бадиҳауийлик қила оладиган бахши бўлишига ундайди. Зеро, вилоятимизда танкиги бўлган халқ бахшлари — Қаҳҳор ва Абдумурод бахши Раҳимовлар, Маҳмадмурод Ражабов, Очил Чоршанбиева уларнинг ҳаваси баланд. Ватан мадҳини дўмбирга солишни улар жуда-жуда озу қилади. Мана шундай орзуларни рўёбга чиқаришда бугун ташкил этилаётган фестиваллар, қўрик-танловларнинг ўрни беқиёс.

Нукусда ўтказилаётган II Халқаро бахшичилик санъати фестивали ҳам бахшичилик фестиваллари тарихида ўзига хос ўрин тутиб, янги Ўзбекистон тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олади, деган умиддаман. Зеро, қоракалпоқ шоир-жировларининг ижоди ниҳоятда қадрланган. Бугунги кунда ҳам улар қуйлаган ватанпарварлик, мардлик, одиллик ғоялари жам бўлган термаю жировлар барча санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Ўйлаймики, фестиваль барчамиз кутганимиздек кўтаринки тарзда ўтади ва дунё миқёсида эътироф этилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 2953. 76354 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Малохат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза якуни — 00:20 Топширилди — 00:50